

ТИЛНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТИЗИМИ,
ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР
ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК
МУАММОЛАРИ

МАТЕРИАЛЛАР
ТҮГЛАМИ
VII



**РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ТИЛНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТИЗИМИ,
ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ**

МАТЕРИАЛЛАР ТҮПЛАМИ

VIII

**Тошкент
"Наврӯз" нашриёти - 2016**

grammar teacher can use L1 to explain the rules when something is not clear for students. Soon after that students freely realize the using of grammar rules in meaningful situations.

How we can lose the using L1 in the EFL classroom?

It is known that year by year to teach foreign languages are developing. The ranks of the learners L2 are also become wider then last years. Nowadays in Uzbekistan all pupils start studying foreign language from first form at schools and continue until the end of higher education. Before, the pupils started to learn L2 from 6th form. As such they had some difficulties in speaking, reading, writing, listening at colleges. For that, students are disposed using more L1. Learning second language from early age makes the learners to know, to use more L2 during the lessons.

Overall though, the findings in this experiment could be classified as positive. While there were problems, the findings were generally favorable and supportive of our original thesis, that L1 use in the English classroom does not hinder the learning of an L2, and can actually facilitate it.

In my opinion after 5 or 6 years we have not a problem using L1 in EFL classroom. Our students are learning L2 from early age. It helps to lose L1 in English lessons. Students will lose this problem by themselves. It would be the best for teachers, for students developing our country's education system. As the president noted that the future Uzbekistan is on the hand of the youth.

Used literatures:

1. "Evaluating the use of L1 in the English Language Classroom" Richard Miles 2004

Хожиева Гулчехра Салимовна (БухДУ) ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ФРАНЦУЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛАРИ ТАЛҚИНИДА

Француз фразеологиясида Шарл Балли соҳа асосчиси сифатида фанга маълум. Аммо бу соҳа лингвистика нуқтаи назаридан ўқитилар экан, таъкидлаш керакки, шу кунга қадар фразеология ва Фблар хусусида тишлинос олимлар жуда кўп изланишлар олиб борганлар ҳамда уларнинг бу борадаги фикрлари турли-тумандир. Баъзи француз олимлари Фни "locution" дея номласалар, баъзилари "locution figé", бошқа бир гурух олимлар эса "idiome" деб атаганлар.

Жумладан, француз тишлинос олими Морис Ра (Maurice Rat) ўзининг фразеологик лугатида Фбларни "expression", "façon de parler" деб атайди.

Яна бир француз олими Марузо Фни "locution", яъни "бир неча сўзни ўз ичига олувчи лексик бирликлар" каби номлайди.

Француз тишлинос олими Пьер Гиро фразеологиянинг манбай – бу Фблар, дея таъкидлайди. "Expression constituée par l'union de plusieurs mots

formant une unité syntaxique et lexicologique", яъни, ФБлар кўп сўзларни бир синтактик ва лексикологик гурухга бирлаштиради, дея уларнинг ўзига хос хусусиятларини куйидагича кўрсатади:

- a) unité de forme et de sens – сўзларнинг шакл ва маъно бирлиги;
- b) écart de la norme grammatical ou lexicale – сўзларнинг лексик ва грамматик меъёлардан четга чиқиши;
- c) valeurs métaphoriques particulières – сўзларнинг ўзига хос метафорик маъноларга эга бўлиши билан фарқланиши.

Аммо Гиро ФБларга тўлароқ таъриф берганига қарамай, уларнинг хусусиятларини ҳар томонлама очиб бера олмади.

Швейцариялик олим Ш. Балли ФБларнинг хусусиятларини чуқур ўрганиб, фразеологизмларнинг асосий белгиси улар ўрнини ўша иборанинг маъносига тўғри келадиган сўз билан алмаштириш мумкин ёки мумкин эмаслигига, деб билади. У ҳамма сўз бирликларини уларнинг ўзаро бирекишига кўра икки катта гурухга, яъни эркин сўз гурухлари ва турғун (алмаштириб бўлмайдиган) сўз гурухларига ажратади.

Семантик тасниф асосида ҳам француз тили фразеологик бирликларини 3 та асосий гурухга бўлиш мумкин:[5, 100-106.]

1. Синтетик гурух (фразеологик чатишма) ўзини ташкил қилувчи бўлакларнинг энг юкори қўшилиш даражаси билан характерланади. Унда шунингдек, айрим сўзларнинг маъноси мустақил мавжудликдан маҳрум бўлиб, биргаликда ажратиб бўлмайдиган семантик (маъно) бутунлигини ташкил этади, яъни фразеологик чатишманинг маъноси уни ташкил этган бўлакларнинг бирлигидан келиб чиқади. Масалан, prendre en grippe – невзлюбить, раздражать, возненавидеть – ёмон кўрмоқ, ғашига тегмоқ, қонини (зардасини) кайнатмоқ.

2. Оралик гурух (синтетик-аналитик бирикма – фразеологик қўшилма). Бунда уни ташкил этувчи бўлакларнинг мотивациясини (ўхшашлигини) фарқлаш керак. Бу турдаги ФБлар В.Виноградов классификациясидаги фразеологик бирлашмага яқин. Масалан, tomber amougueux – влюбиться – ошиқ бўлмоқ, ошигу бекарор бўлмоқ.

3. Аналитик гурух (фразеологик бутунлик)ни ташкил қилувчи бўлаклардан шу иборанинг маъносини аниқлаб олиш мумкин. Масалан, rire de bout de lèvres – натянуто, неискренне смеяться – мийигида кулмоқ, сохта табассум қилмоқ.

Фразеологизмларни ташкил этувчи бўлакларнинг қўшилиш даражасига асосланган семантик таснифдан ташқари, турғун сўз бирикмалари (иборалар)ни тузилишига кўра ҳам таҳлил қилиш мумкин.

Синтактик тузилишига кўра таснифлашда ФБларни куйидагиларга ажратиб кўрсатилади:

1. Отли иборалар: - *coup de main* – помошь, поддержка - ёрдам, мадад; - *travail noir* - халтура, работа налево - хўжа кўрсинга, наридан-бери, пала-партиш килинган иш;

2. **Феълли иборалар**: - *voir clair* – ясно понимать, видеть; разбираться в чём-л., аниқ-тиник кўрмоқ; тушуниб олмоқ.
- *sourire jaune* - криво улыбаться - сунъий, зўрма-зўраки кулмоқ; масхара қилмоқ;
3. **Олмошли иборалар**: - *tout le monde* – все, весь мир - ҳамма, бутун борлик;
- *tout moi* – все моё существо – бутун вужудим (борлиғим);
4. **Равишли иборалар**: - *à belles dents* – вовсю, власть – тўйгунча, астойдил;
- *à boulets rouges* – безжалостно – бешавқат, аёвсиз, раҳм-шавқат қилмай;
5. **Предлогли ёки боғловчили иборалар**: *le dé en est jeté* – жребий брошен, решение принято – масала ҳал; гап томом; бўлари бўлди; бошка гап йўқ;
- marquée à l'A* – первосортный, отличный; доброкачественный – олий навли, аъло; юкори сифатли, асл.

Фразеологизмларнинг синтактик хусусиятига кўра турлари ФБларнинг барча жихатларини ўзида жамлаган бўлиб, юкоридаги мисоллар бунга тўла асос бўла олади. (Мисоллар В.Г. Гакнинг “Французско-русский фразеологический словарь” (В.Г.Гак и др./Под ред. Я.И.Рецкера.М.,ГИИНС, 1963.) китоби ва Н.Н.Сувонованинг “Фразеологиянинг систем-сатҳ бирлиги сифатидаги талкини 2008” (француз тили материалида) фил.ф.ном...диссер.) номли илмий ишидан намуна сифатида келтирилди.)

Ҳар бир критерияга мансуб ФБлар алоҳида ўзига хосликка эга, яъни улар от+от (от+сифат), феъл+сифат, олмош+от (олмош+олмош), предлог+сифат+ от, предлог+феъл каби ясалиш формулаларини хосил қилган ва гапда эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол вазифаларини бажаради.

Рус тилшуносларидан В.В.Виноградов, Б.А.Ларин, С.И.Ожегов, Н.Н.Амосова, Ю.Ю.Авалиани, А.М.Бабкин, В.П.Жуков, А.В.Кунин, А.Г.Назарян, Л.И.Ройзензон, Н.М.Шанский, Ю.И.Рецкер, В.Г.Гак ва А.Т.Алимовлар фразеологиянинг жуда кўп назарай масалаларини ишлаб чиқдилар. Ҳар бир фразеолог олим ФБлар ва уларни қиёсий ўрганишда бир неча назарияларни яратди. Жумладан, А.А.Реформацкий фразеологик ибораларни бошка тилларга сўзма-сўз таржима қилиш мумкин эмас деб ҳисоблайди, Н.М.Шанский ФБларнинг асосий белгиси – уларнинг нутқ жараённида яратилмай, балки нутқка тайёр ҳолда киритилиши деб билади. Е.А.Иванникованинг ФБлар компонентларини бир-биридан ажратиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги фикрини, Н.З Котелеванинг фразеологизмларни ташкил этадиган алоҳида компонентлар фаоллаша олмайдилар, дея билдирган мулоҳазаси мантиқан тасдиқлайди.

Тилшунос олим А.М. Бабкиннинг фикрига кўра, ФБлар 4та хусусиятга эга:

- маъно яхлитлиги;
- сўз бирималарининг турғунилиги;
- кўчма маънога эга бўлишлик;
- эмоционал-экспрессив таъсирчанлик.

Шунингдек олимлар, фразеологизмнинг асосий белгиси Фбларни ташкил этувчи алоҳида сўзларнинг маъносидан ўша бирликларнинг умумий маъносининг келиб чиқмаслиги [8,202-224.], чунки Фбларни ташкил этувчи бўлаклар маъно жиҳатдан яхлитликка эга эканлиги ҳам таъкидлаб ўтганлар.[6, 169]

Рус олими А.Г.Назариян биргина француз тили фразеологизмларига бағишланган ўнлаб илмий адабиётлар муаллифи хисобланади.

Рус тилшунос олими Н.М. Шанский рус фразеологияси хусусида гапирав экан, шундай дейди: “Фбларнинг оддий бирликлар – сўз бирликларидан фарқи уларнинг турлича талаффузга эга эканлигига бўлиб, бу фразеологиянинг фонетика билан боғликлитини кўрсатади”.

Бу борада В.Гакнинг фикри қуйидагича: “Фразеологизм – бу алоҳида олинган тил бирлиги бўлиб, у қисман ва бутунлай янти маъно олган компонентлардан ташкил топган тил бирлиги бўлиб хисобланади”.[7,240]

Кўпгина рус олимлари томонидан олиб борилган домий тадқиқотлар француз тилидаги Фбларни восита тили орқали ўрганишнинг имконини туғдирди ва кўпгина тадқиқотларга асос бўлди.

Ўзбек тили фразеологизмларининг назарий ва амалий муаммолари И.Кўчкортоев, А.Хожиев, Ш.Рахматуллаев, Э.Умаров, Я.Пинхасов, Ҳ.Бердиёров, Б.Йўлдошевларнинг ишларида ўз аксини топган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, фразеологизмларни тадқиқ қилиш ва уларни хорижий тиллардаги Фблар билан қиёсан ўрганиш ўзбек тилшунослигига узоқ илдизларга бориб тақалади. Хусусан, Ю. Пулаторвнинг “Зарубежная литература в Узбекистане и переводы новелл Ги де Мопассана” (Автореф.дисс...кан.филол.наук – С.,1963), А.Нарзикуловнинг “Французская фразеология и вопросы французско-узбекского художественного перевода” (Автореф.дисс...кан.филол.наук – Л.,1969) ва “К вопросу художественного перевода с французского на узбекский язык” (Т., Фан, 1974) номли илмий ишлари француз, рус ва ўзбек тили ибораларини қиёсан тадқиқ этишда мухим манба бўлиб хизмат килди.

Тилимизнинг бой фразеологик имкониятларини очиб берувчи ўзбек фразеологизмига Ш.Рахматуллаев асос солган бўлиб, бу борада унинг 1978 йилда яратилган “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лӯғати” мухим қўлланма бўлиб хисобланади. Турли ҳажмдаги илмий мақолалар, рисолалар, номзодлик диссертациялари билан бир каторда А.Э.Маматовнинг “Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик-фразеологик норма муаммолари” (1991), Б. Йўлдошевнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал услубий

хусусиятлари” (1994), А.Э.Маматовнинг “Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари” (2000) ва Н.Н.Сувонованинг “Фразеологиянинг систем-сатҳ сифатидаги талқини” (2008) сингари илмий ишлари ҳам соҳа ривожига хизмат килмоқда.

Ўзбек фразеологиясида фразеологик меъёр таърифи масаласида А.Маматов қарашларига таянилади: “Фразеология тилшунослик фанининг мустақил, алоҳида соҳаси эканлигини тан олиш, мантиқан фразеологик норма (бундан кейин ФН)нинг мавжудлигини ҳам тан олишни тақозо қиласи.

... адабий нормага таалуқли бўлган тўрт асосий меъзон ва категория: барқарорлик, кодификациялашганлик, динамилик, вариантошлиқ хусусиятлари ФБга ҳам бевосита тегишидир. Демак, хулоса қилиш мумкинки, бу алоҳида-алоҳида тўрт меъзон ва категория ўзаро грамматик боғлиқ бўлиб, яхлид умумийликни, яъни адабий меъёрни ташкил қиласи. Фбларнинг тил нормаси билан боғлиқлик хусусиятларини шундай изоҳлаш мумкин:

6. биринчидан, фразеологизмлар ўз лисоний табиатига кўра барқарор бўладилар, акс ҳолда, улар ФБ деган мақомга эга бўлмас эди ва эркин сўз бирликларга айланиб қолган бўларди;

7. иккинчидан, ҳамма фразеологизмлар лугатларда, норматив ва маҳсус кўлланмаларда, маълумотномаларда қайд килинган, танлаб олинган умуммажбурий кўлланиш хусусиятига эга бўлган, кодификациялашган бўлиши шарт, акс ҳолда улар турғун ФБ бўлмасдан, балки, окказионал ёки потенциал бирлик бўлиб қолади;

8. учинчидан, фразеологизмлар тилнинг бошқа бирликлари сингари ҳар доим ривожланиб, ўзгариб туради, улар динамик хусусиятга эга, акс ҳолда фразеологизмлар штамп ва қолип бирликларга айланиб қолади ва ўзининг семантик-стилистик хусусиятларини маълум даражада йўқотади;
- фразеологизмлар ҳам лексик бирликлар каби ўз синоним ва вариант қаторларига эга, бу уларнинг маъноларини ифода қилишда, тил бойлигини оширишда катта аҳамиятга эга”. [3,212- 217]

Шу нуқтаи назардан замонавий тилшуносликда фразеология ва Фблар хусусида куйидаги фикрлар вужудга келди:

1. Олимлар аниқ илмий критерияларга суюниб, фразеологик бирлик деб сўзларнинг барча тур турғун бирлашмаларини эмас, балки шулардан бир қисмини тан оладилар. Фразеологик бирлик бўлиш учун сўзларнинг турғун бирлашмаси образли маъно, кўчма маъно англатиши шарт. Фразеологик бирликдан (иборадан) яхлитлигича англашиладиган маъно унинг таркибидаги сўз-компонентларга хос лексик маъноларнинг оддий йигиндисига тенг бўлмайди, иборанинг маъноси умумлашма маъно, маҳраж маъно сифатида намоён бўлади.[4,3]

2. Фразеологияни “кенг” ва “тор” маънода тушуниш нотўғри, уни битта маънода тушуниш керак. Улар қандай тил бирликлари деб тасниф

қилинишидан катъий назар, афоризмми, мақол ёки маталми, турғун сўзлашув формулаларими, “қанотли сўзлар”ми, хуллас, агар улар фразеологизмнинг биз берган таърифига мос тушса, ундаги талабларни бажара олса, яъни тузилиши жиҳатидан сўз биримасига ёки гапга тенг бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари кисман ёки тўлик кўчма маънода эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун лексик-семантик бирликлар Фблар доирасига киритилиши шарт.[3, 212]

3. Барча тилларда лексик ҳамда фразеологик қатламлар мавжуд. Фразеологик қатлам ва уни ўрганувчи соҳа фразеология деб аталади. Шунинг учун ҳам фразеологияни кенг маънода ва тор маънода тушуниш мумкин. Фразеология – бу тил ҳодисаларининг фразеологик жиҳатдан ифодаланишидир.[2,3]

4. Фразеологизмлар уч турли бўлади: фразеологик кўшилмалар, фразеологик бутунликлар, фразеологик чатишмалар.

Таркибидаги бир сўз тўғри, иккинки сўз эса кўчма маънода бўлиб бириккан иборалар *фразеологик кўшилмалар* дейилади: ҳордик (тўғри маънода) чикармок (кўчма маънода), ҳолдан (тўғри маънода) тоймок (кўчма маънода), сўзида (тўғри маънода) турмок (кўчма маънода) каби.

Таркибидаги сўзларнинг маънолари ва грамматик жиҳати бирикб, умумий кўчма маъно берувчи иборалар *фразеологик бутунлик* дейилади: кўкка кўтармок (мактамок), эти суягига ёпишган (озгин) каби.

Таркибидаги сўзларнинг маънолари билан ибора ифода этган маъно ўртасида ҳеч қандай лексик алоқа сезилмаган фразеологизмлар *фразеологик чатишмалар* дейилади: сичқоннинг инини ижарага олмок, тегирмонга тушса бутун чиқмок, темирни кизигида босмок, оёгини тираб олмок каби.[1,79]

Барча назария ва мулоҳазалар ёш тадқиқотчиларга Фбларни чукурроқ тадқиқ этишда ўзига хос дастуруламал бўлиб хизмат килмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуазизов А.А. Тилшунослик назариясига кириш. Т.,Шарқ, 2010,796.
2. Имъминова Ш.С. Немис тили фразеологияси. MUMTOZ SO'Z, Т., 2011, 3.6.

Zarnigor Majidova, (BuxDU)
«CHOL VA DENGIZ» ASARI TARJIMASIDA BADIY
ILLYUZIYANING IFODALANISH SAN'TI MUAMMOSI

Ernest Hemingueyning “Chol va dengiz” qissasi badiiy mahorat, qolaversa, unda ko’tarilayotgan muammolar zamirida adabiy jarayonda muhim voqeaga aylandi. Hajman unchalik katta bo’limgan ushbu qissa Heminguey ijodida alohida o’rin tutadi. Uni chuqur falsafiy ma’noga ega hikoya desa ham

**Мирходжаева М. Категория Гендер и проблемы Гендерной
лингвистики**

327

Haydarova N. Maktabgacha ta'lif muassasalarida chet tili o'qitishda axborot kommunikatsion texnologiyalar va multimedia moslamalarining o'rni	330
Vokhidova N., Akobirov F. The importance of motivation in I2	332
Vokhidova N., Akobirov F. The use of authentic materials in teaching English for specific purposes	334
Ахмедова Х.Ш. Формы анализа психологии персонажей в романе Джейн Остин «Эмма»	336
Yunusova A., Abdullayeva N. The effective usage of visual techniques in modern teaching areas	339
Allayarova G. The role of self-esteem in language learning	341
Ochilova N. Creative writing techniques	344
Akhmedova M.B. Problematic features of verbs of incomplete predication in English grammar	347
Barotova G. Using the first language in the English classroom at colleges	349
Хожиева Г. Фразеологик бирликлар француз, рус ва ўзбек тилшунослари талқинида	351
Majidova Z. «chol va dengiz» asari tarjimasida badiiy illyuziyaning ifodalanish san'ti muammosi	356
Khakimova N., Kurbanova N. The peculiar features of Nicholas Spark's novel	359
Majidova Z. Juhon tarjimashunosligida obrazlar tilining individualligi masalasi	361
Shukurova M.A., Tayrqulova G. The ways of expressing obligation in the English and Uzbek languages	365
Shukurova M.A., Sanoqulova N. Difference between literary language and dialects in grammar	367
Bozorova V. Classification of borrowings	370
Maqsudova M. Assimilation of new words	371
Одинаева Н.Л. Игра – источник развития познавательной деятельности	373
Ro'ziyeva N.X. Mingles in the foreign language classroom	376
Ачилова Д., Умарова М. L'existentialisme de sartre	378
Ачилова Д., Эргашова З. "Un peu de soleil dans l'eau froide" de française sagan	381
Расулов З.И., Сайджанов Р.Р., Мехмонова Ю.У. Язык как внутренняя форма выражения культуры	384
Эльманова М.Т. Американский сентиментализм конца 18-го века и роман С.Роусон "Шарлотта Темпл"	388
Khamraeva G.I., L.Khaydarova. Teaching reading through poems and rebus-pictures to young learners	391
Эльманова М.Т. Художественное своеобразие романов Питера Акройда: к проблеме британского постмодернизма	394